

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди

№ 0009

2019 йил «29» 08

Тасдиқлайман

Ўқув ишлари бўйича проректор

доц.Ш.М.Ходжиев



Иш юритиш ҳужжатлари ва нутқ маданияти

фанининг

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 100000 – Гуманитар соҳа  
Таълим соҳаси: 110000 – Педагогика  
Таълим йўналиши: 5111000 - Касб таълими (5610300-Хизматлар соҳаси (аҳоли ва туристларнинг овқатланишини ташкил этиш), 5320900-Енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси (тармоқлар бўйича), 5210900-Дизайн, 5540500-Тўқимачилик саноати маҳсулотлари технологияси ва конструкцияси,5111030-оот).

## Кириш

Республикамизда қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” замонавий талабларга жавоб бера оладиган рақобатбардош педагогларга қўйиладиган талабларнинг мажмуини белгилайди. Мазкур мажмуа бир-бирига боғлиқ бўлган ҳолда талабларнинг мазмунини ташкил этиб, педагогнинг умумлаштирилган моделини акс эттиради. Умумлаштирилган моделнинг асосий талабларига қуйидагилар киради: таълим бериш маҳорати, тарбиялай олиш маҳорати, ўқув-тарбия жараёнида инсон омилини таъминловчи шахсий фазилати, таълим олувчиларнинг билимларини ҳолисона назорат қила олиш ва баҳолай олиш маҳорати.

Юқори маҳоратга эга педагог анъанавий таълим бериш усулидаги камчиликларга жавоб топиш, ўқувчининг ақлий фаолиятини ривожлантириш усуллари излашлари натижасида ўзига хос таълим усули воситасини яратадики, бунинг оқибатида янгича педагогик фикрлаш тарзи вужудга келади. Ана шу изланишлар натижасида педагогик технологияга асосланган ҳолда, нутқ маданиятилари яратилади ва шзгартирилади.

Фойдаланилаётган нутқ маданиятиларини бир тизимга солиш, унга мақсадли йўналиш бериш таълимнинг амалга оширишдаги шакл ва мазмун яхлитлигини таъминлаган ҳолда кутилиши зарур натижани олишни белгилайди. Таълимга тестларнинг олиб кирилиши, билимларни кўп балли баҳолаш тизимида аниқлашга ўтиш, боб, бўлим мазмунини яхлит ҳолда ўзлаштиришни моделлаштириш, тизимга солинган назорат турларининг амалда қўлланилиши мақсадга мувофиқдир. Анъанавий таълим ўрнига вужудга келган педагогик технологиялар ижодий фикрлаш тизимидаги таълимга ўтишни тақозо этади.

Нутқ маданиятиларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда ўқув мақсадларига кафолатли эришишда ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндашув энг аввало, юзакиликда эмас, балки режалаштирилган натижани олиш имконини берувчи конструктив кўрсатмали схемада ўз ифодасини топади.

Педагогик технологияларни ўқув жараёнида қўллаш учун ўқитувчи юксак педагогик маҳоратга эга бўлиши керак. Юксак қобилият, истеъдод, чуқур билим ва тажриба- педагогик маҳоратнинг асосидир.

## Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари

Ушбу фаннинг *мақсади* бўлажак педагогларда касбий ижод, нутқий маҳорат кўникмаларини ҳосил қилиш, нутқ маданияти, педагогик техника малакаларини шакллантириш билан бирга уларда дарс жараёнида янги педагогик технологиялардан мақсадли фойдаланиш, ижодий, ностандарт тафаккурлашни ривожлантиришдан иборатдир.

Янгиланаётган таълим - тарбия мазмуни ўқитишнинг янги педагогик технологияларини қўллашни талаб этмоқда. Ҳозирги ёшлар демократик жамиятнинг бўлғуси аъзоларидир. Уларни эркин мустақил фикрлай оладиган

ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялаш учун замонавий, самарали йўлни излаб топишни давр тақозо этмоқда.

Ҳозирги вақтда, ўқув меҳнати ҳам бошқа меҳнат турлари каби ўзига хос билим, кўникма ва малакани шахснинг шаклланишида талаб этмоқда, бунинг учун эса ирода, диққат, кузатувчанлик, фикр юритиш, хаёл каби шахсий сифатларнинг тарбияланганлиги зарур.

Биз таълим самарадорлигини оширувчи омилларни тўхтовсиз таҳлил қилиш, ҳамда қўйиладиган методларни нечоғлик мослигига тўғри баҳо бериш тамойилларини белгилашимиз ва зарур бўлган натижани ифодалай олишимизга кўрсатадиган йўл ҳисобланади. Янги педагогик технология мана шу тамойилларга таяниб, таълим жараёнининг самарали бўлишини таъминлайди.

Таълимни амалга ошириш жараёнига янги педагогик технологияларни ҳамда педагогик маҳоратни киритиш учун қуйидаги **вазифаларни** бажариш зарур:

- таълим жараёнида иштирок этувчи ўқувчи шахси устиворлигини таъминлаш,

- таълим мақсадининг натижага эришувини (кафолатланганлигини) амалга ошириш,

- таълим жараёнини бошқарилувчи жараён эканлигидан келиб чиққан ҳолда, уни мақсадли бошқаришга эришиш,

- таълим мазмунини таъминловчи восита, усул, шакллар технологиясини ягона бир тизимга келтириш,

- талабаларга педагогик маҳоратнинг назарий-методик асослари тўғрисидаги билимни бериш,

  - нутқий маҳоратни мустақил эгаллаш кўникмаларини шакллантириш,

- эгалланган билимлар асосида шахсий педагогик маҳоратни яратиш малакаларини шакллантириш,

- фан бўйича талабалар билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар.

### **Фан бўйича билим, малака ва кўникмага қўйиладиган талаблар:**

“Иш юритиш ҳужжатлари ва нутқ маданияти” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- нутқ маданиятиларининг мақсад ва вазифаларини, нутқ маданиятиларининг ўқув жараёнида тутган ўрни, шаклланиш ва ривожланиши тўғрисида, уларнинг тамойиллари, педагогик техника педагогик маҳоратнинг элементини, педагогик технологиялар турлари, уларнинг ўқув жараёнида тутган ўрни, ҳамда унинг таъсир самараси, уларнинг анъанавий таълимдан фарқланиши, фаолиятни ташкил этиш турлари, техник ўқитиш воситалари тўғрисидаги **билимларга эга бўлиши;**

- юксак педагогик маҳорат ва тажриба асосида замонавий педагогик технологияларни ўқув жараёнига тадбиқ этиш принциплари, ўқув жараёнида педагогик маҳоратга таяниб таълим олувчиларни ўқув жараёнига жалб этиш

ва машғулот самарадорлигини ошириш методлари ҳамда талабаларнинг турли машғулотларда (маъруза, семинар, коллоквиум, амалий машғулот) мустақил фикрлаш ва мустақил ишлай олиш усуллари амалда қўллаш **кўникмаларига эга бўлиши;**

- машғулотларнинг тури, мазмуни ва ҳажмига боғлиқ равишда педагогик сценарийни тузишда педагогик маҳоратга асосланганиб, инновацион ва ахборот технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда, ўқитиш самарадорлигини орттириш ҳамда ўқув жараёни сифатини юксалтириш ва уни жадаллаштириш **малакаларига эга бўлиш.**

### **Фаннинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги**

“Иш юритиш ҳужжатлари ва нутқ маданияти” фани “Педагогика”, “Психология”, “Педагогик маҳорат”, “Касбий педагогика”, “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фанлари билан боғлиқ бўлиб, уларни билмай ёки яхши ўзлаштирмай туриб бу фанни ўрганиб бўлмайди. Бўлғуси педагог юқорида санаб ўтилган фанларни ўзлаштиргандагина таълим жараёнига педагогик технологияларни қўллай олади ва ривожланган давлатларни таълим соҳасидаги тажрибаларини ўз фаолиятида қўллай олади ва ўрта махсус касб-хунар коллежларида махсус фанларни ўқитиш самарадорлигини ошира олади.

Иш юритиш ҳужжатлари ва нутқ маданияти ҳозирда барча таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш, бошқариш, назорат қилиш билан боғлиқ бўлган касбларнинг асосини ташкил қилади. Унинг асосида билим олган ва уни эгаллаган мутахассис таълим-тарбия ва ишлаб чиқариш соҳасида самарали меҳнат қила олади.

Фан бўйича ўқув машғулотлари, ўқув режасига кўра, ўқув материалнинг мазмуни ва педагогик мақсадларига қараб, маъруза ва амалий машғулотлар кўринишида ташкил этилади.

Фан бўйича назарий билимларнинг мазмунини баён этиш учун маъруза машғулотларидан, бу билимларни мустақамлаш, махсус фанларни ўрганиш ва тадқиқот қилиш кўникмаларини шакллантириш учун амалий машғулотлардан фойдаланилади.

### **Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни**

“Иш юритиш ҳужжатлари ва нутқ маданияти” фанига оид билимларни талаб даражасида ўзлаштириш мутахассислик фанларини ўқитишда ўқитиш жараёнини оптимал лойиҳалаш ҳамда илмий тадқиқот ишларини талаб даражасида бажариш, ўз навбатида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш имконини беради.

## **Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Ўқув фанини талаб даражасида ўзлаштириш учун уни ўқитиш жараёнида ўқитишнинг интерфаол усулларидан – кичик гуруҳларда ишлаш, ақлий ҳужум, муаммоли ўқитиш, давра суҳбатлари, психологик ўйинлар ва бошқа инновацион методлардан фойдаланиб талабаларнинг эркин ва мустақил ишлашини самарали ташкил этиш, уларга қўйилган ўқув вазифаларини мустақил бажаришни ташкил этиш мақсадида, ахборот технологиялари ҳамда ахборот таълим муҳитидан фойдаланиш кўзда тутилади.

### **Асосий қисм**

#### **Кириш. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати тарихидан**

“Иш юритиш ҳужжатлари ва нутқ маданияти” фанининг пайдо бўлиш тарихи ва зарурияти. Илмий техник тараққиётнинг таълим тизимига қўядиган талабининг ортиб бориши. Жамият ва таълим тизимларининг ривожланиш босқичлари. “Иш юритиш ҳужжатлари ва нутқ маданияти” атамаси ҳақида, моҳияти. Нутқий фаолият турлари.

“Иш юритиш ҳужжатлари ва нутқ маданияти” фанининг илмийлик, лойиҳалаш, тизимлилик, мақсадга йўналтирилганлик, фаолият - ёндашувлик, бошқарувчанлик, қайта такрорланиш, самарадорлик тамойиллари. “Иш юритиш ҳужжатлари ва нутқ маданияти” умумий тузилмаси, аниқлаштирилган ўқув мақсадларни ишлаб чиқиш, уларни ўлчаш мезонларини ўрнатиш ва баҳолаш. Ўқитишнинг кўзланган натижаларига кафолатли эришиш.

#### **Нутқнинг коммуникатив сифатлари (софлиги, тўғрилиги, аниқлиги, тозаллиги, таъсирчанлиги, бойлиги) тўғрисида**

Нутқнинг тўғрилиги. Грамматик нормага риоя қилиниши. Нутқнинг аниқлиги. Фикрнинг ёрқин ифодаланиши, нутқ предметининг маъноси, нутқда ишлатилаётган сўз маъноларини билиш билан боғлиқлиги. Нутқнинг тозаллиги, нутқнинг мантиқийлиги, нутқнинг таъсирчанлиги, нутқнинг мақсадга мувофиқлиги.

#### **Ғарб ва Шарқ маданияти тарихида нотиклик санъатининг ўрни ҳақида**

Ғарб маданияти тарихида юнон нотиклари, уларнинг нотиклик санъати, ҳаёти ва ижоди ҳақида. Рим нотиклик санъатининг намоёндалари. Цицероннинг ҳаёти, ижоди, фалсафий ва адабий қарашлари, нотиклик маҳорати ва бу сҳадаги таълимоти.

Шарқ маданияти тарихида буюк мутафаккирларнинг нотиклик санъати ва нутқ маданиятини ўрганиш.

### **Халқ оғзаки ижодида нутқ одоби масалалари**

Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Мифлар ва маталлар ўртасидаги фарқ. Латифа ва лофларнинг умумий хусусиятлари. Достончилик анъаналарининг кўринишлари. Сўзнинг сеҳри, қудрати. Тил ва нутқнинг бир-бирига боғлиқлиги. Тилнинг руҳий ва моддий материалдан иборатлиги.

Нутқ одоби инсоннинг маънавиятини, маърифатини белгиловчи асосий воситаси. Нутқ маданияти жамият маданий-маърифий тараққиётининг миллат маънавий камолотнинг муҳим белгиси.

### **Кайковус суҳандонлик хусусида**

Кайковуснинг "Қобуснома" асарида ёшлар тарбиясида - жувонмардлик талабларидан энг муҳими - ахлоқ тарбиясини ўрганиш. У ёшларда инсонга нисбатан инсоний муносабатда бўлиш, адолатлилик, самийлик, саҳийлик каби хислатларни таркиб топтиришни истайди ва асарнинг бошидан охиригача ана шу эзгу мақсадни амалга ошириш. Кайковус қарашларида инсон тарбияси омили муҳим ўрин тутишини англаш.

У ахлоқлиликнинг биринчи белгиси, суҳандонлик эканлигини билиш. Суҳангўйлик нотикликда рост сўзлаш кераклигини англаш. Сўзларни тўрт хилга бўлгани каби одамларни ҳам тўрт хилга бўлганини ўрганиш.

### **А.Навоий ижодида нутқ маданияти ва нотиклик санъати масалалари**

XV аср жаҳон маънавиятининг буюк сиймоси Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳижрий 844 йил рамазон ойининг 17-куни (1441 йил 9 феврал) да Ҳиротдаги ҳаётини ўрганиш. Ҳирот шаҳри XV аср биринчи ярмида Соҳибқирон Амир Темур асос солган улуғ салтанатнинг иккинчи пойтахти, Темурнинг кенжа ўғли Шоҳрух Мирзонинг қўл остидаги обод манзиллари тарихини билиш.

Алишер туғилган хонадон Темурийлар саройига эскидан яқин ва юртда муайян нуфуз соҳиби. Бўлғуси шоирнинг отаси Ғиёсиддин Муҳаммад ўғлининг тарбиясига жиддий эътибор бериши. Алишернинг шеърятдаги илк устози тоғаси Мир Саййид Қобулий ва Муҳаммад Али Ғарибийлардир. Навоий "Мажолис ун-нафоис" асарида Қобулий ҳақида: "Яхши табъи бор эрди, туркчада майли кўпроқ эрди..." дейиши, Ғарибий ҳақида: "Хуш муховара (хушсуҳбат) ва хушхулқ ва дардманд йигит эрди. Кўпроқ созларни яхши чалар эрди. Уни ва усули хўб эрди. Мусиқий илмидин ҳам хабардор эрди..." фикрларини ўрганиш.

### **А.Қаҳҳорнинг сўз танлаш маҳорати**

У Ўрта Осиё Давлат университетининг педагогика факултетида (1930) таҳсил олиши. Ёзувчи "Совет адабиёти" журналида масъул котиб, Ўзбекистон Давлат нашриётида муҳаррир лавозимларида ишлаши (1954-1956).

Абдулла Қаҳҳорнинг ижоди 1924 йилдан бошланиши. Дастлаб "Муштум" журналида, "Янги Фарғона" газетасида унинг ҳикоя, фелъетон, хабарлари ҳақида. Ёзувчининг "Олам яшаради" номли биринчи ҳикоялар тўплами 1935 йилда чоп этилиши.

30-йилларда адибнинг учта "Ҳикоялар" тўплами (1935,1938,1939). Бу даврда Абдулла Қаҳҳорнинг кичик ҳикоялардан ташқари "Сароб" (1935) романи.

Уруш йилларида ёзувчининг бир қанча фелъетон, очерк ва ҳикоялари ҳақида. "Асрор бобо", "Дардақдан чиққан қаҳрамон", "Кампирлар сим қокди", "Хотинлар", "Олтин юлдуз" каби ўнлаб ҳикоя ва қиссаларида ўзбек жангчиларининг мардлиги, халқимизнинг меҳнатдаги жонбозликлари, юксак ватанпарварлигининг ифодаланиши.

### **Нутқий этикетни ўрганиш. Бугунги кунда нутқ маданияти масаллари**

Нутқ маданияти, нутқ одоби - 1) оғзаки ва ёзма адабий тил меъёрлари (талаффуз, урғу, сўз қўллаш, грамматика, услубшунослик қоидалари)ни эгаллаш, шунингдек, турли алоқа-аралашув шароитларида тилнинг тасвирий воситаларидан нутқнинг мақсад ва мазмунига мос равишда фойдаланиш маҳорати; 2) тилшуносликнинг тилни маданият қуроли сифатида мукаммаллаштириш мақсадида меъёрлаштириш (тартибга солиш) муаммоларини ўрганувчи ММ бўлими. Фарб тилшунослигида умумий маънода "тил маданияти" термини ҳам қўлланилиши.

Нутқ маданияти назариясининг асосий тушунчалари. Нутқ маданиятининг асосий вазифаси ижтимоий тил амалиётига фаол таъсир кўрсатиш мақсадида (тилнинг барча сатҳларида) объектив тил меъёрларини уларнинг барқарорлашган шаклларида, зиддиятларида, вужудга келувчи тамойилларида ва бошқаларда ўрганиш.

### **Ўзбек адабий тили меъёрлари ва нутқ маданияти**

Адабий тил - ҳар қайси халқ ва миллат маънавиятида улкан аҳамият касб этадиган, унинг руҳий оламини моддий шаклда юзага чиқариш ва умумбашарий тараққиёт учун хизмат қилдириш, эл-юртни бирлаштириш, ўзликни англашда муҳим восита бўладиган буюк ижтимоий ҳодиса. Адабий тил умумхалқ тилининг сайқалланган, лекин, фонетик ва грамматик жиҳатдан шу халқ шеваларидаги энг яхши хусусиятларни ўзида мужассамлиги, ҳамма учун тушунарли ва маъқул меъёрга солинган умуммиллий мулоқот воситаси.

Тил ва нутқ тизимида меъёр ўзига хос ўринга эга. Тил материал сифатида нутқ жараёнида хизмат қила бошлаган лаҳзаларданок уни меъёрлаштириш жамият эҳтиёжига айланганлиги ва меъёрий муаммолар кун тартибига қўйилганлиги.

Жамият тараққиёти билан баравар ҳолда тил ва нутқдаги меъерий ҳолатларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва бу муаммоларни ҳал қилишда халқнинг маиший, маънавий-маърифий турмуши, ижтимоий-фалсафий ва эстетик дунёкараши.

### **Услубиёт асослари**

Тил ва нутқ ҳодисаларини ўзаро фарқлаш уларнинг муносабат моҳиятини ўрганиш араб тилшунослигида VIII-IX асрлардаёқ мавжуд эди. Мазкур тушунчаларнинг муносабат шакли ҳозирга қадар дунё тилшуносларининг диққатини ўзига жалб қилиб келмоқда.

Смерницкий А. И., Панфилов В.З., Мелничук А.С., Солнсов В.М. каби Прага тилшунослари систем тилшунослик тараққиётига улкан ҳисса қўшиб, тил ва нутқ муносабати тарихи хусусида ўз мулоҳазаларини билдирган эдилар. Лекин тил ва нутқ ҳодисаларини ва уларга хос бирликларни том маънода илмий-назарий ҳамда амалий фарқлаш; "тил" ва "нутқ" тушунчаларига батамом янги мазмун берилиши Ф. Соссюр ва унинг издошлари яратган таълимот билан боғлиқдир. Тил ва нутқ масалаларига муносабат дунёнинг муайян тараққиёт даражасидаги тилларда ўзига хос тарзда талқин қилинмоқда. Жумладан, ҳозирги ўзбек тилшунослигида ўзаро диалектик боғлиқ бўлган тил ва нутқ ҳодисаларининг фарқига оид айрим фикрлар баён қилинаётган бўлишига қарамай, бу масаланинг ҳал қилиниши лозим бўлган жиҳатлари кўп.

### **Тил ва нутқ. Нутқ одоби. Тил маданияти.**

Тил маданияти ва нутқ маданияти тушунчаси. Кишиларга тушунарли, мантиқли ва ёқимли нутқ орқали таъсир эта олиш нутқ маданиятининг гўзал намунаси саналади. Нутқ жараёнида тил шакллари ва бирликларидан илмий жиҳатдан тўғри, мантиқий жиҳатдан аниқ фойдалана олсак, бу тил гўзаллигини ҳис қилиш- тил маданиятига эришиш ҳисобланади. Демак, тил ва нутқни қиёслаганда уларни куйидаги ўзига хос хусусиятларини бири-бирдан ажратиш мумкин:

1. Тил алоқа материаллари - нутқ эса алоқа шакли.
2. Тилни халқ яратади - нутқни эса бир шахс яратади.
3. Тилнинг ҳаёти узоқ халқ ҳаёти билан боғлиқ, нутқнинг ҳаёти қисқа, у айтилган пайтда мавжуд (ёзма нутқ бундан мустасно).
4. Шахс айни замонда бир неча тилни билиши мумкин; чунки у вақт ва ўрин билан бевосита боғланган. Шахснинг нутқи айни замонда битта бўлади; чунки, у маълум вақтда ва маълум ўринда юз беради.

### **Бошқа тиллардан кирган услубий роли**

Тилшунослик бошқа фанлардан ажралиб, ўзича алоҳида мустақил Фан деб танилган даврдаёқ, тил ва нутқни фарқлашга эътибор берилган эди.



Аммо фан тараққиёти тарихи давомида ҳамма соҳада ҳам тил ва нутқ бир-бирдан фаркланавермайди. Шунинг учун, кўпинча нутққа хос ҳодисалар тил ҳодисаси сифатида талқин қилиниб келди.

Кейинги даврларда тил билан нутқни фарқлаб ёндашиш ўзбек тили тадқиқотлари учун асос қилиб олина бошлагани нутқ товуши ва фонема, фонетик ва фонематик ўзгаришлар, лексема, лексик ва ситуатив номинация, қурилма ва уларнинг юзага чиқиши, луғавий бирликларнинг макро ва микро текстдаги хусусиятларини, ўзбек тили синтаксиси сатҳида моҳият ва ҳодиса каби масалаларни атрофлича чуқур тадқиқ этиш имконини яратмоқда.

### **Нутқ ва билиш жараёнлари**

Нутқ техника ҳақида тушунча. Нутқ техника-ўқитувчи ҳулқини ташкил қилишнинг шакли сифатида. Ўқитувчининг ташқи кўриниши ва педагогик йўналганлиги. Ўқитувчининг нутқ техникаси. Нутқ техника тизимида – ўз хиссиётини бошқара олиш, мимика, пантомимика, нутқ маданияти. Тил ва нутқ нормалари, адабий ва шева тиллари. Адабий тил нормаларининг тарихийлиги. Нутқ техникасида – темп, нафас, овоз дикцияси, ритмика. Педагогик техникада ўқитувчининг ташқи маданияти. Педагогик техникани эгаллаш ва такомиллаштириш йўллари. Самарали психологик таъсир турлари: вербал, новербал, паралингвистик. Тинглаш маҳорати.

### **Семинар машғулоти мавзулари:**

1. Ўқитувчи нутқ маданиятининг мақсад ва вазифалари
2. Нутқнинг коммуникатив сифатлари (тўғрилиги, тозаллиги, софлиги ва таъсирчанлиги) хусусиятлари
3. Ўқитувчи фаолиятида мулоқот одоби ва таълим жараёнида нутқ маданияти масалалари.
4. Ғарб маданияти тарихида нотиклик санъатининг ўрни.
5. Шарқ маданияти тарихида нотиклик санъатининг ўрни.
6. Халқ оғзаки ижодида нутқ одоби масалалари.
7. Кайковус суҳандонлик хусусида
8. А.Авлонийнинг одоб хусусидаги қарашлари.
9. А.Навоий ижодида нутқ маданияти ва нотиклик санъати масалалари
10. Бадиий асарда нутқ маданиятини эгаллаш йўллари. А.Қаҳҳорнинг сўз танлаш маҳорати.
11. Нутқ маданияти ва услубият
12. Нутқий этикетни ўрганиш юзасидан бугунги кунда нутқ маданияти масалалари.
13. Далолатнома ёзиш усулларини ўрганиш.

14. Адабий норма ва нутқ маданияти
15. Ёзма нутқнинг коммуникатив сифатлари
16. Бадий адабиётлар таҳлилини ўрганиш
17. Адабиётларда орфография қоидаларини таҳлили
18. Орфографик таҳлил ва уларни ўрганиш

*Мустақил - шунч 58 сав*

#### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма**

1. Ўқитувчи нутқ маданияти мақсад ва вазифалари.
2. Нутқнинг коммуникатив сифатлари.
3. Ўқитувчи фаолиятида мулоқот одоби ва таълим жараёнида нутқ маданияти масалалари.
4. Ғарб маданияти тарихида нотиклик санъатининг роли.
5. Шарқ маданияти тарихида нотиклик санъатининг роли.
6. Халқ оғзаки ижодида нутқ одоби масалалари.
7. Кайковус сухандонлик хусусида.
8. А.Авлонийнинг одоб хусусидаги қарашлари.
9. А.Навоийнинг ижодида нутқ маданияти ва нотиклик санъати масалалари.
10. Бадий асарда нутқ маданиятини эгаллаш йўллари А.Қаҳҳорнинг сўз танлаш маҳорати.
11. Нутқ маданияти ва услубиёт.
12. Нутқий этикетни ўрганиш масалалари.
13. Далолатнома ёзиш усуллари ва ўрганиш.
14. Адабий норма ва нутқ маданияти.
15. Ёзма нутқнинг коммуникатив сифатлари.
16. Бадий адабиётлар таҳлилини ўрганиш.
17. Адабиётларда орфография қоидалари таҳлили.
18. Орфографик таҳлил ва уларни ўрганиш.

#### **Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**

Ўқув режада лаборатория ишлари режалаштирилмаган.

#### **Курс лойиҳасини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар**

Ўқув режада курс иши режалаштирилмаган.

#### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакл ва мазмуни**

Ўқув режада мустақил иш режалаштирилмаган.

## Дастурнинг информацион-методик таъминоти

Фанни ўқитишда ўқитишнинг интерфаол усулларида, ахборот-коммуникацияларининг презентацион, мультимедия, электрон-дидактик технологияларидан кенг фойдаланилади:

- "Нутқ маданияти" фанининг ўрни, унинг предмети, мақсад ва вазифалари, бўлимига тегишли маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон – дидактик технологиялардан;

- "Нутқ маданияти" фанидан ўтказиладиган амалий машғулотларда ақлий хужум, кластер, гуруҳли ишлаш каби педагогик технологиялардан;

- Олий таълим муассасаларида таълим тизими структурасини ўрганишда рейтинг тизимини қўллаш, кичик гуруҳларда ишлашда баҳолаш мезонлари, вақт регламентидан фойдаланиш назарда тутилади.

### Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати

#### Асосий дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: «Ўзбекистон», 1998. - 686 б.
2. Авлиёкулов Н.Х. Ўқитишнинг модул тизими ва педагогик технологияси амалий асослари. Ўқув қўлланма. Бухоро, МАТБАА, 2002.
3. Авлиёкулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари. Ўқув қўлланма - Т.: 2001.
4. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва нутқий маҳорат. Ўқув қўлланма. - Т.: 2003.
5. Ҳамидов А. Янги педагогик технологиялар. Ўқув қўлланма. Тошкент-2004.
6. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик маҳоратнинг тадбиқий асослари. Ўқув қўлланма. Т.: "Фан" - 2006.
7. Маҳкамов У., Тилабова Н., Тилабоева Ш. Педагогик маҳорат. Ўқув қўлланма. – Т.: 2003. - 168 б.
8. Абдуллаева Ш. А. ва бошқ. Педагогика. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан, 2004. – 264 б.
9. Исмоилова З.К. Педагогикадан амалий машғулотлар. Ўқув қўлланма. - Т.: Фан, 2001. - 160 б.
10. Очилов М., Очилова Н. Ўқитувчи одоби. Ўқув қўлланма.- Т.: 1996. - 156 б.
11. Ибрагимов А., Султонов Х., Жураев Н. Ватан туйғуси. -Т.: Ўзбекистон. 1996.

#### Қўшимча адабиётлар

1. Авлиёкулов Н.Х, Мусаева Н.Н. Модулли ўқитиш технологиялари. Т.: "Фан ва технологиялар" - 2007.
2. Авлиёкулов Н.Х., Намозовам. Муаммоли ўқитиш технологиялари. Т.: "Фан ва технологиялар" - 2008.

3. Сайидахмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. Т.: “Молия” – 2003.
4. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г., Жумабоева Ф.А. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Ўқув қўлланма - Т.: 2002.
5. Шодиева Қ.С. Бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятини шакллантириш. Ўқув қўлланма. - Т.: Истиклол, 2006.
6. Зязьон Ю.В. Основы педагогического мастерства. М., 1988. - 306 б.
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси № 1. - Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 2000.
8. Маҳкамов У. Ахлоқ – одоб сабоқлари. –Т.: 1994. - 166 б.

#### **Ахборот-ресурс манбалар**

- 1 <http://elkutubhona.narod.uz><http://uz.ref.uz>
- 2 <http://pedagog.uz>
- 3 [www.eduworld.ru](http://www.eduworld.ru)
- 4 [www.inter-pedagogika.ru](http://www.inter-pedagogika.ru)
- 5 [www.talant.spb.ru](http://www.talant.spb.ru)